

4 сонли - ШАРТНОМАСИ

« 20 » июнь 2022 йил

Шуманай тумани.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Шуманай тумани ҳокимлиги” номидан Шуманай тумани ҳокими биринчи ўринбосари А.Қалжанов кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “МЧЖ Бескала мастер” номидан Устав асосида бошлик Б.Аймурадов иккинчи томондан, **жорий таъмирлаш** ишларини бажаришга доир мазкур шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари-натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони-мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Пудратчи томонидан Ёрдамчи пудратчи га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

вақтинчалик иншоотлар-Ёрдамчи пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар-сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини булиб чиқиш-ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ ВА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома буйича объектда жорий таъмирлаш ишларини лойиҳд-смета хужжатларида қузда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Пудратчи эса Ёрдамчи пудратчига жорий таъмирлаш ишларини уз вақтида қабул қилиш ва молиялаштириш манбаи булган Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йул жамгармаси ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблаг таъминланиши билан туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Пудратчи томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблаг буйича аниқланади.

2.3. Мазкур шартнома буйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда (**сметага асосан**) амалдаги нархларда **400 300 000 (тўрт юз миллион ўч юз минг) сум** сумни ташкил этади.

2.4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- Лойиҳа смета хужжатлари экспертиза текширувидан утгандан кейин экспертиза ҳулосасига асосан.

- объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, куприклар ва тоннелларнинг) жорий таъмирлаш ишлари қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Пудратчи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда қуриб чиқилиши мумкин.

2.5.Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи уртасидаги шартномага кушимча келишув билан расмийлаштирилади.

Ш. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1.Мазкур шартнома буйича Ёрдамчи пудратчи шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

жорий таъмирлаш ишлари бошланишдан олдин объектда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида жорий таъмирлаш қилинаётган йул қисмини ва ундаги мавжуд йул элементларини урнатилган тартибда далолатнома асосида йулдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сунг фойдаланувчи ташкилотга топширади; зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар урнига, уриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини курсатувчи сифат лабораторияси ҳулосаси асосида амалга оширилиши мумкин; лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кузда тутилган иш ҳажмлари Ёрдамчи пудратчи томонидан тулик ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кузда тутилган маблағлардан амалда иктисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари буйича қурилиши мумкин булган зарарни ва кушимча бажарилиши лозим булган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Пудратчининг руҳсати билан йуналтирилиши мумкин.

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва Пудратчига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификатига, ишлатилган қурилиш материаллари ва усқуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни Пудратчига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади; Ёрдамчи пудратчи қурилиш давомида лойиха-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан кушимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тугрида Пудратчига ҳабар бериши шарт.

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, узининг қучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-усқуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини уз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва савдашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-усқуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатади; қурилиш майдони қуриқлианишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни уз вақтида ва тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

лойиха-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, қучириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр утқазуш тармоқлари ва ҳаказо) буйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни уз зиммасига олади.

3.2. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз қучлари билан ёки урнатилган тартибда "Ёрдамчи пудратчи" ёллаган ҳолда, зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қуйилганлиги аниқданганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли узгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Пудратчи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ёрдамчи пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Ёрдамчи пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Ёрдамчи пудратчининг барча мурожаатларини ун беш кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Ёрдамчи пудратчига молиялаштириш манбаи булган Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йул жамғармаси ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетга томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблаг таъминланиши билан бунақ 30% дан кам булмаган ҳолда (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Пудратчи Ёрдамчипудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

Пудратчи 5 кунлик муддат ичида Ёрдамчи пудратчи томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни уз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларникурсатган ҳолда Ёрдамчи пудратчига қайтариб беради.

Агар техник ҳужжатларга узгартиришлар киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган қушимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада курсатилган қурилиш умумий қийматининг ун фойздан ошиб кетмаса ва қурилиш Ёрдамчи пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини узгартирмаса, Пудратчи-Лойихачи техник ҳужжатларга узгартиришлар киритишга ҳақли.

Техник ҳужжатларга узгартиришлар ун фойздан каттарок ҳажмда узгартиришлар киритиш тарафлар қелишган қушимча смета асосида амалга оширилади.

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Ёрдамчи пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома буйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали буйича амалга оширилади.

VI ТУЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

6.1. Пудратчи Ёрдамчи пудратчига шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бунақ(аванс) маблаг итказади.

6.2. Мазкур Ёрдамчи пудратчи пудрат шартномаси кучга кирган кундан Ёрдамчи пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ уз имконияти ҳисобидан объектда жорий таъмирлаш ишларини бошлайди.

Пудратчи ва Ёрдамчи пудратчи томонидан ҳар ойда бажарилган жорий таъмирлаш ишларини "Маълумотнома-ҳисоб-фактура" билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) буйича физик ва қиймат курсаткичлари 1-иловага асосан акс этгирилади ва 2-иловага асосан молиялаштириш манбаи булган Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йул жамғармаси ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетга томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблаг таъминланиши билан молиялаштирилади.

6.3. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган "Маълумотнома-ҳисоб-фактура"га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фойз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

6.4. Объект ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 ойлик қафолат муддати утқунга қадар Ёрдамчи пудратчи бажарилган ишларнинг сифати учун жавоб беради.

6.5. Ёрдамчи пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Пудратга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Ёрдамчи пудратчи зиммасида булади.

6.6. Ёрдамчи пудратчи мазкур объект бажарилишида Пудратчига бажарилган ишлар суммасидан хизмат учун ҳақиқий харҷатни қоплаб беради.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1. Пудратчи объектда уз вақилини-техник қузатувчини тайинлайди, у Пудратчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Ёрдамчи пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник қузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Ёрдамчи пудратчи техник қузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник қузатувчи Ёрдамчи пудратчи томонидан утказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

7.4. Ёрдамчи пудратчи таъмирлаш даврида Пудратчининг вақилини (техник қузатувчини) объектда иш жойи билан таъминлашни уз зиммасига олади.

7.5. Ёрдамчи пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Пудратчи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник қузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнанинг охиригача объектнинг узида қуриб чиқади ва тулик маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнанинг биринчи кунига қадар Пудратчига топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик ҳато ва бошқа камчиликларга йул қуйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан

кечикмаган холда бажарилган иш хажмлари тегишли узгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган холда, уз имкониятлардан келиб чиккиб ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошка ишлаб чикариш куввати билан механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш хажмлари бахосини аниклашда пудратчи амалдаги нарх ва механизмлар буйича лойиха смета хужжатларида ажратилган маблагдан чикмаган холла расмийлаштириш хукукига эга.

7.6. Ёрдамчи пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI булимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

7.7. Ёрдамчи пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини ваколат доирасидан келиб чиккан холда Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Йул курилиш ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.8. Объектда умумий тартибни таъминлаш Ёрдамчи пудратчининг вазифаси хисобланади.

7.9. Пудратчи-Лойихачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Ёрдамчи пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

7.10. Ёрдамчи пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уklarининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Ёрдамчи пудратчи, Пудратчи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан киритади.

7.11. Ёрдамчи пудратчи геодезия булиш ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Пудратга беради.

7.12. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Ёрдамчи пудратчи амалга оширади.

7.13. Ёрдамчи пудратчи узи томонидан таъмирлашда кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга булишини қафолатлайди.

7.14. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига караб уларни қабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Ёрдамчи пудратчи Пудратчини ва ваколат доирасидан келиб чиккан холда Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Йул курилиш ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

7.15. Епилиб кетадиган ишларни уларнинг хар бир тури (боскичи) буйича қабул килиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига караб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул килиб олади:

Пудратчининг вакили-техник назоратчи (раис), Ёрдамчи пудратчи ташкилот вакили-иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур холларда), йулга хизмат курсатадиган йул ташкилоти вакили, лойиха ташкилоти вакили (кутариб турувчи конструкцияларни қабул килиб олишда).

Епилиб кетадиган ишларни қабул килиб олиш натижалари урнатиладиган шакл буйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойихд, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга бахо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага улчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

7.16. Ёрдамчи пудратчи Пудратчининг курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.17. Агар беркитиладиган ишлар Пудратнинг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган булса, ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у холда унинг талаби буйича Ёрдамчи пудратчи Пудратчининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Ёрдамчи пудратчи Пудратчининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Пудратчининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни жорий таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тугрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда Пудратчи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат курсатадиган йул ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш Пудратчи ва Ёрдамчи пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва объектнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, микдор ва киймат курсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

7.18. Агар Пудратчи Ёрдамчи пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи уз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 8.17-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

7.19. Ёрдамчи пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йул участкалари ва йулакларнинг озодалигини таъминлайди.

7.20. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Ёрдамчи пудратчи жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, қунлик уртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар шунингдек, объектга қабул қилинаётган асфальтобетон маҳсулотининг заводдан чиқиш ҳарорати ва йулга қабул қилинаётган ҳарорати) акс эттирилади.

Агар Пудратчи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Ёрдамчи пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Ёрдамчи пудратчи дафтарда Пудратчи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни курсатилган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

VIII. ИШЛАРНИ ҚУРИКЛАШ

8.1. Ёрдамчи пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмири тугалланган объект Пудратчи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қурикланишини таъминлайди.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲДЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавкулотда вазиятлар, фавкулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб булмайдиган қуч) натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Ёрдамчи пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йуқлиги, Ёрдамчи пудратчида зарур пул маблағларининг булмаганлиги форс-мажор ҳолатларига қирмайди.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Ёрдамчи пудратчи ва Пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қандай қоралар қурилишини муҳоқама қиладилар.

9.3. Агар томонлар иккй ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

10.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан қейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тугрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Ёрдамчи пудратчи ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари курсатилган ҳолдаги руйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йулнинг техник лойихаси ва ишчи чизмалари туплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул-қурилиш материаллари ва йул тушамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;
- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;
- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан курсатилган қамчиликларни бартараф қилинганлиги тугрисидаги далолатномалари.

10.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Ёрдамчи пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Пудратчи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

10.3. Ёрдамчи пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Пудратчига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Ёрдамчи пудратчи Пудратчига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мое келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва урнатилган тартибда йуллардан фойдаланиш қорхонаси балансига утади.

XI. КАФОЛАТЛАР

11.1. Ёрдамчи пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган қафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, уз ҳисобидан бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

11.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Ёрдамчи пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ёрдамчи пудратчи ва Пудратчининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Ёрдамчи пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томондан қабул қилинган қонун ва меърий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тугрисида урнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11.4. Ёрдамчи пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тавдирда, уларни текшириб чиқиш ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1.Пудратчи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Ёрдамчи пудратчи томонидан бир ойдан кун вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Ёрдамчи пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда; Ёрдамчи пудратчи томонидан шартнома шартлари шахарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2.Ёрдамчи пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Ёрдамчи пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Пудратчи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3.Шартнома бекор қилинганда Пудратчи ва Ёрдамчи пудратчининг қўшма қарорига кура тўғалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Пудратчига берилади, Пудратчи бажарилган ишлар қийматини Ёрдамчи пудратчи тулайди.

12.4.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида­сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдириш­нома юборади.

12.5.Шартнома бекор қилинган тавдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

12.6.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ётиқ чизиклар қизиш ишларини олиб бораётган Ёрдамчи пудратчи ташкилот қонунчилиққа ва ушбу шартномага мувофиқ Пудратчи олдида қўйидаги ишлар бўйича мулқий жавобгардир: сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тўғалланмаганлиги; Пудратчи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан усқуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш хажмлари ва муддатларининг бузилиши;

ётиқ чизиклар қизиш жараёнида ёки оралик қабул қилишда Ёрдамчи пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада қўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тула-қонли бажармагани. Ёрдамчи пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Пудратчи, Ёрдамчи пудратчидан уз ихтиёрига кура қўйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Агар Ёрдамчи пудратчи ташкилот нуқсонларни қелишилган муддатларда бартараф этмаса, Пудратчи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот уз қучи билан Ёрдамчи пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни уз вақтида бартараф этилмаганлигидан қелтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

13.2.Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Пудратчи Ёрдамчи пудратчига қечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (қои­зи) миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (қои­зи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Пудратчини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

13.3.Ёрдамчи пудратчи томонидан объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, Ёрдамчи пудратчи Пудратчига муддати утқазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (қои­зи) миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (қои­зи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тулаш Ёрдамчи пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг қечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шахарсозлик нормалари ва коидалари, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Пудратчи ваколат доирасидан келиб чиккан холда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Йул курилиш ишлари сифатини назорат килиш Давлат инспекциясини хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек Ёрдамчи пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматидан келиб чиккан холда Узбекистон Республикаси конунларда белгиланган микдорида жарима ундириш хукукига эга. Пудратчи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун Ёрдамчи пудратчи "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида"ги Узбекистон Республикаси Конунининг 26-моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 20% (фоизи) микдорида жарима тулайди.

13.5. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тutilган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

Пудратчи Ёрдамчи пудратчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб-китобларлардан аникланган камчиликлар натижасида Пудратчига кайтариладиган маблаглар ва бошка туловлар буйича мажбуриятларини уз вактида бажармаса, Пудратчи ушбу маблагларни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб колиш хукукига эга.

13.6. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Ушбу пудрат шартномаси амал килиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан узаро музокара йули билан хал этилади.

Низолар музокара натижасида келишувга эришилмаган такдирда даъво килувчи томон юзага келган низо юзасидан Юкори Чирчик туманлараро иктисодий судига урнатилган тартибда даъво аризаси билан муурожаат килади.

XV. АЛОХДДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томбнлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

15.2. Ёрдамчи пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Пудратчининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.

15.4. Пудратчи билан Ёрдамчи пудратчи Уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар, узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

15.5. Агар Ёрдамчи пудратчи шартнома буйича ишлар яқунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Пудратчи Ёрдамчи пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечиктиришга хуклидир.

15.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди.

15.7. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради хамда томонлар уз мажбуриятини тулик бажаргунига кадар амал килади.

Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар уз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома буйича хукук ва мажбуриятлари вужудга келади.

15.8. Мазкур шартномада назарда тutilмаган бошка барча холатлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

15.9. Мазкур шартномага куйидагилар илова килинади;

1-илова-Бажариш жадвали,

2-илова-Молиялаштириш жадвали.

XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

9.1. Шартнома буйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш буйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги конунларга риюя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш буйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб

қилиш ҳуқуқига эга вamuржаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартарафэтилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томоншартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонгаётказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнингмажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарларқоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

ПУДРАТЧИ

Шуманай тумани ҳокимилиги

«BESQALA MASTER» ООО

Юридик манзил: Шуманай тумани Ажинияз кўчаси, 26 уй,

Ш/х: 401722860352437049801018001

ИНН: 200399645 ОКЭД 84112

Шуманай тумани Ғазначилик бўлими.

Юридикские адреса: РК город Нукус ул. Газли 72
х/р: 20208000600924235001

Банк: Капитал банк Нукус филиал

МФО: 01038

ИНН: 305 731 828

ОКЭД 41202

Тел.: 97 348 84 88.

Ғазнах/р 23402000300100001010

МБ Тошкент шаҳар бўйича ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Шуманай тумани ҳокими биринчи

ўринбосари

А. Қалжанов

Директор



Аймурадов Б.М



Юриси

У. Рамаев

